



ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 160 (12.973)

Баҳоси эркин нарҳда

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

МУСТАҚИЛЛИК - INDEPENDENCE - ITTIFAQIYAT
24
O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Маҳалла азалдан қадр-қиммат, меҳроқибат, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, қолаверса тарбия ўчоғи ҳисобланиб келган. Айниқса, ёшларнинг таълим-тарбияси, каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлишдек миллий қадриятлар руҳида камолга етишида уларнинг ўрни беқиёс.



Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

Бугунги кунда оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, аҳолилик ва тотувлиқни таъминлаш борасидаги маҳалланинг ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда. Айниқса, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётда ўз ифодасини қарор топтириш борасидаги ўзини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайд.

Ушбу ноёб бошқарув институтининг фаолиятини янада ривожлантириш, ислохотлар жараёнидаги фаоллигини оширишда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» кўрик-танловининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Чунки мазкур кўрик-танлов фуқаролар йиғинларининг илғор иш тажрибаларини кенг оммалаштиришда айна мудио бўлмоқда.

Пойтахтимиздаги мухташам «Туркистон» саройида ушбу танловнинг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. Энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида «Бетақдоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шiori остида ўтган ушбу танловда туман босқичида голлиб бўлган 11 та фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари ходимлари ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, бир қатор қонун ҳужжатлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, моддий-техник базасини янада яхшилашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш концепцияси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашнинг янги имкониятларини очиб берди. Концепция доирасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига доир миллий қонунчилик янада такомиллаштирилгани маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга хизмат қилмоқда.

Бу йўналишдаги эзгу саяё-ҳаракатлар Тошкент шаҳридаги маҳаллалар фаолиятида ҳам яққол ифодасини топмоқда.

Танловни ўтказишдан қўзланган мақсад истиқлол йилларида маҳаллаларга кўрсатилган юксак эътибор, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни асраб-авайлашга оид ислохотлар аҳамиятини тарғиб этиш, соҳага оид илғор тажрибаларни омалаштиришдан иборат. Жумладан, Президентимиз раҳнамолигида маҳалланинг нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масала эканлиги устувор вазифа этиб белгиланиб, жамиятимиз ҳаётининг ажралмас бир қисми сифатида ушбу ноёб тузилманинг макomini мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, сўнгги 3 йил давомида соҳага оид 2 та қонун — «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари янги таҳрирда ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари Ш.Турдиқулов, Ф.Абдурахимова ва бошқалар Ўртбошимиз раҳнамолигида «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» тамойилини ҳаётда ижро этиш таъбиқ жараёнида маҳаллаларнинг жамият ҳаётида-

ги мавқеи ва ваколатлари, имкониятларини кенгайтириш масаласига устувор аҳамият қаратилганини таъкидладилар.

— Бугунги кунда маҳалла институтининг фуқаролик жамиятини ривожлантириш, жойларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол гоёсига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги иштироки тобора кенгайиб бормоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси Омила Арипова. — Шаҳримизда 475 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари самарали фаолият юритмоқда. Биргина ҳорий йилнинг ярим йиллигида фуқаролар йиғинлари томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маънавий-маърифий, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг мазмун ва аҳамиятига бағишланган, «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги механизми доирасида ҳамда «Ота-оналар университетлари» томонидан тўй-ҳашамлар ва маросимларни ихчам тарзда ўтказиш бўйича бир қатор тарғибот тадбирлари ўтказилди.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА ДУНЁ ҲАВАС ҚИЛМОҚДА

Истиқлол туфайли одамларимиз онгу тафаккурида чуқур ўзгаришлар содир бўлди. Бу жараёнда миллат сифатида ўзини англаш, аждодлар даҳоси ва заковати давом этириш, миллий феномен қудратини бор бўй-басти билан жаҳонга кўрсатиш мақсади барча соҳа ва йўналишлардаги саяё-ҳаракатларда ўз ифодасини топди. Бундай эзгу интилишлар самараси ўлароқ бутунлай янги — руҳи ва фикри тоза авлод дунёга келди.

Мустақиллик ёш авлод ҳаётига буюк келажақ нафасини, эзгу умид ва орзулар ижобатини олиб келди. Янги аср авлодида аждодлар армонининг ушалиши билан бирга беқиёс имкониятлар қалити, юксак марралар сари дадил қадам ташлаш бахти ҳам насиб этди.

Бугун мамлакатимиз ёшларига бутун дунё ҳавас қилмоқда! Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультети талабалари Ҳакимбой Эгамбердиев ва Бехзод Қурбонбоев ана шундай ёшлардан.

...2015 йил 2 август. Болгариянинг Влагоевград шаҳрида талабалар ўртасида бир ҳафта давом этган математика фани бўйича 22-Халқаро олимпиада якуний натижалари эълон қилинди. Танлов ҳақамлар хайъати аъзоси голиблар қаторида Ҳакимбой Эгамбердиев, Бехзод Қурбонбоев фамилиясини ўқиганда қарсағи олқишлар узоқ тинмади. Боиси...

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

ЯГОНА ВА МУҚАДДАС ВАТАН ТАРАННУМИ

Унда мазкур ижодий танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида голиб бўлган иштирокчилар ва бадий жамоалар ўз қўшиқларини мусиқа ихлосмандлари эътиборига ҳавола этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни раванқ топтириш борасидаги эзгу саяё-ҳаракатлар юксак самараларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказиб келинган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови она Ўзбекистонимизни улуғлаш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўрилган қўшиқлар яратишни рағбатлантириш, ушбу ижод намуналарини халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда танлов санъатга меҳри баланд ёшларнинг қобилияти ва истеъдодини аниқлаш, ижодкорлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мазкур танловнинг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги босқичи ҳам юқори савияда ташкил этилди. Танлов жараёнида ёш хонандалар ва бадий жамоалар устоз санъаткорлар, таниқли шоирлар ва бастакорлар билан ҳамкорликда янгидан-янги қўшиқлар устида иш олиб борди. Танловнинг барча

босқичида 3 минг 110 нафар якяхон хонанда, ўттиз-дан ортиқ ансамбль, бадий жамоа қатнашди. Худудий босқичларда сараланган 64 нафар якяхон ижрочи, бир қатор бадий жамоа ва ансамбллар якуний босқичда қатнашиш имконини қўлга киритди.

— Танлов «Ватанимга, халқимга» қўшиғини тайёрлаб келдик, — дейди самарқандлик хонанда Марям Гафурова. — Унда Ўзбекистонимизнинг дунёда бетакрорлиги ва ягоналиги, тинч-осойишта, бахтиёр ва фаровон ҳаётимиз тараннум этилади.

Танлов давомида иштирокчилар ижросини баҳорлашда мусиқа ва шеърнинг уйғунлиги, хонанданинг сахна маданиятига асосий мезон сифатида аҳамият берилди. Шу билан бирга ор-номус, қадр-қиммат, гурури-ифтихор каби олижаноб туйғуларни тараннум этидиган, юксак фуқаролик руҳидаги бадий жихатдан мукамал қўшиқларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хамроз Дехқон (Тошкент вилояти), «Қўшиқчи йиғитлар» гуруҳи (Фарғона вилояти), «Фарҳод ва Ширин» дуэти (Тошкент шаҳри) танловнинг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги босқичи голиби деб топилди. Уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Голиблар ижодий танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

Н.УСМОНОВА,
Ў.А. муҳбири

XXI аср
Барча манбалардан олинган суниий хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Ялпи мажлис арафасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда бўлғуси ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик тўғрисида ишчи гуруҳ раҳбарининг ахбороти тингланди. Кенгаш мажлисида қайд этилганидек, Сенатнинг бўлғуси ялпи мажлисида 11 та масала, шу жумладан, 6 та қонун кўриб чиқилиши кутилмоқда.

● Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Наманган вилоят кенгаши ташаббуси билан Наманган «Ёшлар маркази»да Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги байрами олдида давра суҳбати ўтказилди. Шунингдек, улар аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий билимларини оширишда, хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этишда, улардаги ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашда O'zLiDeP вилоят, шаҳар, туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари амалга ошираётган ишларни эътироф этдилар.

● Бухорода бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 169 корхона, ташкилот ва муассаса уч мингга яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди. Меҳнат ярмаркасида 556 нафар фуқарога ишга йўлланма берилди. Уларнинг саксон фоизи ёшлардир.

● Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш, ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, унинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги ролини кучайтириш» мавзусида семинар ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Бельгия пойтахти Брюсселда сўнгги бир ҳафтада иккинчи марта одамлар гаровга олинди. Ҳодиса шаҳарнинг шимолий қисмида, асосан муҳожирачлар истикомат қиладиган туманда юз берган. «Одамлар гаровга олингани муносабати билан, Павийон кўчасида ҳаракат тўхтатилган», — дейилади ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар баёнотида.

● Apple ва Google корпорациялари фойдаланувчиларга ўзлари истаган маълумотларни улар бу ҳақда сўрашга улгурмасдан туриб етказиб бериш имкониятига эга технология устида иш олиб бормоқда. Бундай функциялар корпорациялар махсулотларида шу йил сентябрдаёқ пайдо бўлиши мумкин. Ушбу технологияларни ишлаб чиқишда компаниялар турли усуллардан фойдаланади.

● Google ўзининг Google Auto LLC автотомобил компаниясини таъсис этди. Компания асосан автопилотли машиналар яратиш билан шуғулланади. Аслида корхона 2011 йили иш бошлаган, ўшанда унинг ёрдамида ҳайдовчисиз бошқариш тизими ўрнатилган Lexus йўлтанламас машиналари синовдан ўтказилган эди. Айни пайтда компания автопилот тизимида ишлайдиган барча (жами 23 та) Lexus автомобиллари эгаси ҳисобланади. Энди корхона йўловчи транспорт ишлаб чиқарувчи тарихида рўйхатдан ўтди.

Истиқлол, ислохот, истиқбол

Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди.

Ислом КАРИМОВ

Мамлакатимиз 1991 йил 31 августда ўз мустақиллигига эришди. Дунё харитасидан Ўзбекистон Республикаси деган янги мустақил давлат муносиб ўрин эгаллади. У 24 йиллик тарихан қисқа даврда улкан ривожланиш йўлини босиб ўтди.

Авалло, сиёсий қарашларимиз ўзгарди. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда, иқтисодий, маънавий ислохотлар билан бирга, улкан сиёсий ислохотлар амалга ошди. Тафаккуримизга бутунлай бошқача сиёсий онг кириб келди.

Сиёсатчилар XX асрни, миллий давлатларнинг пайдо бўлиши асри, деб ҳисоблайди. Ўзбек халқи бу асрнинг қарийб тўртдан уч қисмини шўро зуғуми остида ўтказди. Бу мустабид даврда миллий давлат қуриш, жаҳон ҳамжамиятида халқро мезонлар асосида халқимиз манфаатини ҳимоя қилиш ва шу йўлда сиёсат юргизиш у ёқда турсин, шу гапни айтишнинг ўзига ҳам ҳақ-ҳуқуқимиз йўқ эди.

Демократия, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат тушунчалари шунчаки сўзлар эмас. Буларнинг ҳар бири — бир улугъ гоё. Остида халқнинг катта қураши, интилиши, меҳнати ётибди.

Ҳар бир халқ ўз тарихий илдишларига суянган ҳолда раванк топади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарориди таъкидланганидек, «Ўзбекистон ўз вақтида собиқ мустабид тузумнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан, бирёклама ривожланган ноҳор иқтисодиётдан, «шок терапияси» каби номаъқул моделлардан бутунлай воз кечиш, машҳур беш тамойилга асосланган ўз тараққиёт йўлини қатъий таллаб олди ва дунёда «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ушбу ривожланиш стратегияси асосида реал натижаларга эришди».

Социализмдан воз кечган, бозор иқтисодиётига ўтиш имконияти пайдо бўлганидан басасанга тушган айрим мамлакатлар сиёсатчилари шомша-шошарлик билан «шок терапияси» деган «назария» ўйлаб топилди. Уларнинг хом ҳаёлича, шу йўл билан гўёки бирданига «муъжиза» юз берадигандек, зудлик билан ҳамма ёқ гуллаб-яшнаб, яшин тезлигидаги тараққиёт юз берадигандек.

Президент Ислом Каримов «шок терапияси»га мутлақо қарши бўлди ва Ўзбекистоннинг ички иқтисодий сиёсати ҳам ўзимизнинг янгилаш ва ижтимоий тараққиёт йўлимиз умумий принципларидан, ҳам ўзимизга хос хусусиятларимиздан келиб чиқиб янги таъкидланган эди. Давлатимиз раҳбари бу борада, жумладан, шундай деб ёзади: «Реал тарихий топган иқтисодий вазият, кўпчилик оилавларнинг тўғри ҳаётини таъминлаш тўғрисида республикада бозорга ўтишнинг «шок терапияси» йўли номаъқулдир. У амалда «терапиясиз шок» бўлиб қайтади, яъни таркиб топанган барча тузилмалар, меъёрлар, алоқалар тезда барбод бўлади, бошқача айтганда, батамом емирилади. Ташкилий, иқтисодий, молия-кредит тизимларини ўзгартириш, тегишли ҳуқуқий асосни, бозор тармоқлари мажмуини юзукда келтириш, кадрлар тайёрлаш учун вақт керак. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва қайта жиҳозлаш учун зарур бўлган технология вақти омилини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ва ниҳоят, ҳаттиж ва тақлифнинг мутаносиблигига асосланган қонулар қўнғи кирмас экан, қаттиқ ўрнатиш қолган тасаввурлар ва меъёрларни ўзгартиришга вақт керак бўлади. Бозор иқтисодиёти сари буюк сакрашлар, инқилобий қайта ўзгаришлар йўли билан эмас, балки, собиққадимлик ва изчиллик билан — босқичма-босқич ҳаракат қилиш керак».

Бу сўзлар айнан мустақилликнинг бошида — 1992 йили айтилганини ҳисобга олсак, орадан йиллар ўтиб, бу йўлимиз аввал-бошданқоқ нақадар оқилона белгиланганига яна бир қарра гувоҳ бўламиз.

Ҳаёт — ҳамиша ҳаракатда. Уни бир зум тўхтатиб туриш ёки тарих гилдияларини орқага айлантиришнинг асло иложи йўқ. Жамият доимо олдинга интилаверар экан, у билан бирга онг ҳам тинимсиз ўзгариб, такомиллашиб бораверади.

Шундай экан, ўзгаришлар моҳияти ҳам шахс, унинг манфаатлари билан бевосита боғлиқ, ислохотлар масъулияти ҳам, давлат билан бирга, тўғридан-тўғри фуқаро зиммасига ҳам тушади. Шунинг учун Президентимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ: «Ислохот ислохот учун эмас, аввало, онгон учун, деган манфаатларини таъминлаш учун», — деган масалани қатъий қилиб қўйган эди. Еки унинг 1992 йили ёзган «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» китобида билдирган мана бу фикрлари мағзини қақши ҳам — жуда муҳим: «Бозорга ўтиш — муқаррар. Бу — давр амри, объектив реалликдир. Айни пайтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуби ва воситасидир».

Дунёда капиталистик бозор муносабатларига асосланган тузумдан социализмга ўтиш тажрибаси бор эди. Лекин социализмдан воз кечиш, бозор муносабатларига асосланган демократик тузумга ўтиш тажрибаси мутлақо йўқ эди. Шундай бўлишига қарамай, собиқ социализмдан воз кечган барча давлатлар ўтиш даврини бошдан кечиришга мажбур эди.

Социалистик иқтисодий муносабатлардан воз кечиш, бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси биринчи бўлиб 1989 йил кузига икки Германия қўшилганидан кейин собиқ Германия Демократик Республикаси ҳудудига бошланган эди. Бироқ бу жараён биз учун мос эмас эди. Чунки собиқ ГДРда ислохотлар нисбатан осон кечди. Чунки ўзаро бирлашган Германиянинг бир қисми ўша орзу қилинаётган бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузумда яшаётган эди-да. Бу ёқда, иқтисод тили билан ифодалаганда, Шарқий

Германияни шатакка олиб тортиладиган — Фарбий Германия турган эди.

Қолган собиқ социалистик давлатларда эса бутунлай эски тузумдан қўтилиб, янгисига ўтиш керак эди. Ҳўш, нима қилиш керак? Кимга, қайси қоидага, қандай тамойилларга суяниш лозим?

Мулк, асосан, давлатники бўлган, режали ишлаб чиқаришга асосланган, яқна мафкура ҳукмрон социализмдан, бунинг устига, йиллар мобайнида қучаган маъмурий буйруқбозлик, тоталитаризм, авторитаризм ҳолатидан бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузумга — фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлатга ўтишнинг тап-тайёр қолипи, тақрибаси, босиб ўтилган раван йўли йўқ ва бўлмаган.

Ана шунда Ўзбекистон раҳбари мамлакат учун ўтиш даврининг беш асосий тамойилни ишлаб чиқди. Вазият бу беш ўта муҳим қатъиятга изчил амал қилган ҳолда ислохотлар олиб боришни қаттиқ талаб қилар эди. Бу тамойиллар бир-бири билан узвий боғлиқ, бири иккинчисидан келиб чиқади, бири иккинчисини тақозо этишда ҳаёлик.

Ҳудди ана шу беш тамойил асосидаги ислохотлар тез фурсатларда жаҳон миқёсида «Тараққиётнинг ўзбек модели» сифатида тан олинди.

Модомики, бугун истиқлолимизнинг 24 йил мобайнида босиб ўтган шонли йўлини теран мушоҳада қила-

КИМ ЭДИГ-У, КИМ БЎЛДИК: «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори мазмун-моҳиятида мамлакатимиз фуқароларининг истиқлолимиз тарихини теран англашига эришиш вазифаси ҳам ётибди.

Бу эса ҳар биримизни, ана шу Қарорда алоҳида

таъкидланганидек, мустақилликка эришганимиздан кейин миллий давлатчилигимизни, ўзлимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш борасида амалга оширилган улкан ислохотлар мағзини қақшига ундайди.

Даврлар ўтгани сайин мустақиллигимиз тарихини ўрганиш, бу улугъ неъматга қандай эришганимиз моҳиятига етиш, истиқлолимиз қадрини чуқур англашнинг аҳамияти тобора ортиб бораверади.

ётган, унинг туб моҳиятини англаб етишга интилаётган эканмиз, бу беш тамойилнинг ислохотлар жараёнидаги ўрнини аниқлаш учун уларни алоҳида-алоҳида қўриб ўтишга зарурат борлиги аёнлашади.

Биринчи тамойил — иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, ишлаб чиқаришни мафкурадан холи қилиш. **Бу муҳим тамойил иқтисодиётнинг эркин раванкига кенг йўл очади.**

Мустақилликка эришганимиздан кейин айрим зиёлилар ўртасида маънавиятга эътибор қўйиштиришга, иқтисод ўз-ўзидан ўнгиланиб кетаверди, деганга ўхшаш нотўғри қараш ҳам шаклландикан бўлди. Бунга қарама-қарши равишда айримларда, аввал иқтисодни ривожлантириш керак, маънавият кейин бўлаверади, дегандек хато фикрлар ҳам айтила бошлади. Бу икки қараш ҳам мукамал эмас эди. Оқилона фикрни Президент Ислом Каримовнинг «Оқсак маънавият — енгилмас кўч» китобида топамиз: «...Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилётган қушнинг икки қанотига қўйсасак, ўйламанки, ўринли бўлади».

Модомики, гап биринчи тамойил ҳақида борар экан, шу талқини иқтисодиёт билан сиёсат қиёсида ҳам бемалол қўллашимиз мумкин: тараққиёт учун сиёсат ҳам керак, иқтисод ҳам.

Шунинг учун ҳам бу тамойилни бугун батафсилроқ шарҳлашга тўғри келади.

Бу тамойил жамиятни, аввало, айнан режали ишлаб чиқаришдан қўтилишга ундайди. Уни ҳаётга жорий этиш учун қўйидаги қондиларга амал қилиш лозим бўлади: — **Сиёсат** — сиёсат, иқтисод — иқтисод қонунчилиги билан иш қўрсин. Яъни ҳар қандай товар ўз таннариhini қоплаб, фойда қўриладиган нархда сотилса, марҳамат, ишлаб чиқарилсин. Акс ҳолда, уни ишлаб чиқаришдан нима фойда? Шўро сиёсати шундай зарар билан ишлаётган корхоналарни ҳам айнан сиёсат мақсади учун ушлаб турган. Охири бу иқтисодий таназзулга олиб борди.

— **Ўша кезлари собиқ шўро давлати пахта бизда ишлаб чиқарилганига қарамай, фақат сиёсий-мафкуравий мақсадни қўлаб, тўқимачилик корхоналарини кўпроқ Россиянинг Иваново шаҳрида қўрган эди. Ҳол-буки, иқтисодиёт қонунлари билан иш қўрилганда, камхарж ишлаб чиқариш ўйланганида тўқимачилик корхоналарини шундоқгина пахта етиштириладиган туманларнинг ўзида — далага яқин жойгинада қўрсамизди. Йўқ-да, Ивановони тўқимачилик марказига айлантириш остида айнан сиёсий мақсадлар ётган...**

— **Иқтисодий жиҳатдан фойда келтирса, сиёсий-мафкуравий давлатчилик тузуми бошқача бўлса ҳам, яқин иқтисодий ҳамкорлик ўрнатавериш лозим.**

Иккинчи тамойил давлатнинг бош ислохотчи экани билан изоҳланади. Шундай йўл тутилмаса, бўлмайди. Чунки социализмда деярли барча мулк давлат қўлида бўлган. Уни жамиятга ўтказишни давлат ўзи амалга ошириши керак. Шунинг учун давлат ўзи бош ислохотчи сифатида ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, янгилашни ва ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши лозим деган сўзлар замирида чуқур маъно муҳассам.

Муҳтарам Ўртабосимиз: «Бозорга ўтилган сари иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли жиддий ўзгаради», — деб бежиз таъкидламаган. Шу тариқа янги тузумда давлат бозор иқтисодиёти ва демократия асосида ривожланган давлатлардаги каби стандартларга яқинлашади. Бунинг учун давлатимиз раҳбари ўртага ташлаган «**Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**» шioriга амал қилинади. Давлат эски тузум даврида ноўрин тарзда гарданга олган кўп-кўп вазифаларни босқичма-босқич жамият зиммасига юклаб боради.

Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз кечаётган бир даврда Ўзбекистонимиз мунтазам тараққиёт йўлига кириб олгани айрим ривожланган давлатлар раҳбарларини ҳам, бозор муносабатларини тартибга солишда давлатнинг ўрни ва маънаини жиддий ҳисобга олиш керак экан, деган ҳулосага келишига ундади. Чунки кўплар, бозор ўз-ўзича, стихияли равишда ривожланади, деган қарашга кучли ургу бериб, адашди.

Учинчи тамойил — жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш. Чунки бир тузумдан иккинчисига қонуний асосда ўтиш лозим. Акс ҳолда, мамлакатда бошбошдоқлик юз беради, адолатсизлик келиб чиқади, бирон-бир эзгу мақсадни охиригача амалга ошириш мумкин бўлмай қолади. Шу сабаб Конституция ва қонуларга амал қилиш ҳамма учун қатъий қоида бўлиб қолади.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида қонунчиликни такомиллаштириш борасида амалга оширилган оламшумул ишлар, жумладан, икки палатали парламентга ўтганимиз замирида айнан қонун устуворлигига эришиш мақсади ётгани — барчага аён.

Тўртинчи тамойил — аҳолининг мураккаб демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат юритиш.

Бир нарсани унутмаслик керакки, Президент асарларида, нутқ ва маърузаларида кўп таскорларнадики, биз айнан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтганмиз.

«**Ижтимоий ҳимоя**» — сиёсий, яъни давлатшунос-ликка оид атама. Маъно жихатидан «**кўпчиликни ҳимоя қилиш**» деган тушунчани билдиргани билан, у амалда муайян маънони, яъни аҳолининг, асосан, муҳтож ва ноҳор тоифаларини моддий ва маънавий ҳимоя қилиш-ни назарда тутди.

Ҳар қандай тузум ва жамиятда аҳолининг нисбатан муҳтож тоифалари, жумладан, етим-есирлар, иқтисодий муҳтож кимсалар, кам таъминланганлар, кўп болали оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ёш болали оналар, ёш оилалар, ёш келин-куёвлар у ёки бу даражада учрайди.

Аммо бир тузумдан иккинчисига ўтаётганда, хусусан, эски ишлаб чиқариш тизими, мавжуд иқтисодий интеграция ўз-ўзидан ва табиий равишда издан чиқади, уларнинг бизни янгида шакллантиришга тўғри келади. Шунингдек, муллка эгаллик қилишнинг шакли ўзгаради, давлат корхоналари, хатто, экан ерлари эгалари ўзгаради, ишчи кучи ҳам бевосита бозор иқтисодиёти қонунчилиги асо-

сида қайта тақсимланади. Кимдир олдинги ишдан ажралиши, уни ўзгартиришга мажбур бўлиши ҳам замоннинг зайли ҳисобланади. Демак, ижтимоий ҳимоя муҳтожлар сафи ўзгариб, яъни камайиб-кўпайиб туриши ҳам — табиий жараён.

Ҳўш, Ўзбекистонимизда шу масалалар қандай ҳал этиляпти? Биз қандай йўлни босиб ўтдик?

Ижтимоий ҳимоя масаласида амалга оширилган ишларга умумий баҳо бериладиган бўлса, бизда, жумладан, одамлар турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатлам ва гуруҳларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилган ҳолда, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва фуқаролар тотувлиги сақлаб қолинганини алоҳида қайд этиш лозим. Давлат бу позицияни истиқлолнинг бошидан қаттиқ туриб амалга ошириб келяпти.

Истиқлол йилларида ижтимоий муҳофаза муайян тизимга айланди. Муҳтож қатлам ва гуруҳларга моддий ёрдам қўрсатишнинг ўзига хос, яъни миллий механизми ишлаб чиқилди. Бунинг адолатли тарзда ҳаётга татбиқ этишда қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг масъулияти оширилди. Инфляцияни инобатга олган ҳолда ҳар йили бир неча маротабадан давлат бюджетидан ажратиладиган маошлар, пенсия ва стипендиялар ошириб бориляпти. Муҳтож қатлам ва гуруҳларга нодавлат ва жамоат ташкилотлари тарафидан моддий ёрдам қўрсатишнинг ҳам турли-турли шакллари пайдо бўлди ва улар тобора такомиллашиб борапти.

Жамият — бир бутун тана. Унинг айрим шохлари гуллаб-яшнаб кетса-ю, бошқалари қуруқ-қаушаб қолса, адолатдан бўладими? Йўқ: «**Жамият ҳаддан ташқари бойларга ва ҳаддан ташқари камбағалларга ажралиб кетишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ**», — деган эди Ўртабосимиз.

Демак, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя сиёсати ана шундай илмий, ҳуқуқий, маънавий асосга суянади. Маърифатли жамият барпо этиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш, адолатли ҳуқуқий давлат қуриш мақсади шунини талаб этади. Чунки кучли ижтимоий сиёсат иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли қафолати ҳисобланади.

Бешинчи тамойил — бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, пўтша ўйлаб, тадрижий асосда, яъни босқичма-босқич ўтиш.

Ўтиш жараёнида сунъий равишда тезлаштириш, шубҳасиз, шомша-шошарлик, папа-партишчилик, ишни чалакам-чатти амалга оширишга олиб келган бўлур эди.

Беш тамойилни бир-бир санганимизнинг боиси бор. Айнан «**тараққиётнинг ўзбек модели**» жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида ўзини тамоман оқлади. Чунки Ўзбекистонимизда давлат ва халқ айнан ана шу тамойиллар асосида ислохотларни изчил равишда амалга ошириб келяпти. Шу тариқа Ватанимиз ўз истиклол йўлини ўзи белгиланган, бу йўлдан оғишмай илгариллаб бораётгани билан алоҳида ва ўзига хос обрў-эътибор топти.

Халқимиз бу қўнна тарих жараёнларида кўп-кўп ва турли-турли ўзгаришларни ўз бошидан кечирди. **Лекин истиқлол — мамлакат ҳаётидаги ўта муҳим, ҳаётимизда туб бурилиш ясаган ниҳоятда улкан воқеа.**

Ха, Ватандан азизроқ макон йўқ бу дунёда. Шунинг учун ҳам ўз давлат мустақиллигининг 24 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўраётган мамлакат фуқароси сифатида ҳар биримиз: «Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» — дегимиз келаяверади.

Олим МАХМУДОВ

ТАДБИРКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга бўлган эътибор йилдан йилга ошиб бормоқда. Айниқса, ёш тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга яқиндан ёрдам бериш, муаммоларини ҳал қилиш ҳамда турли ташқи таъсирларнинг бартараф этиш ушбу соҳага ёшларнинг қизқишини янада ортирмоқда. Бу борадаги ишлар самараси ўлароқ тадбиркорларимиз, хусусан, ёш тадбиркорларимиз сони кўпайиб бораётир.

Мазкур йўналишга давлатимиз томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ишбилармонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, махсулот экспорти ва технологиялар келтиришда уларга яқиндан ёрдам қўрсатиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларда имтиёзлар бериш каби бир қатор енгилликлар яратилган.

Яшнобд туманида бўлиб ўтган тадбиркорлар билан учрашувда ҳам юқоридаги масалалар ҳусусида сўз юритилди. Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда бир қатор мутасадди идоралар вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари ҳамда қўллаб тадбиркорлик субъектлари аъзолари иштирок этишди.

Семинарни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳиятини энг аввало тадбиркорлик субъектларига тушунтириш билан бир қаторда ушбу Фармоннинг иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги аҳамияти тўғрисида кенг жамоатчилигини хабардор этишдан иборат бўлди.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларидаданқоқ юртимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбек модели» ишлаб чиқиби, унга асосан мамлакатда хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифа этиб белгиланди.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонунчиликнинг такомиллаштирилиши натижасида, ҳозирда уларни рўйхатда ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди.

Уларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши, уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд тартибиде қўлланилиши белгиланди.

Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишлар сони тубдан қисқартирилди, топшириладиган ҳисобот турлари кескин камайитилди.

Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички махсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етди, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Тадбир давомида сўзга чиққанлар, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга алоҳида эътибор қаратилётганини таъкидладилар.

Ўз навбатида тадбир иштирокчиларига Фармон талабларидан келиб чиқиб, адлия органлари олдидаги муҳим вазифа ва йўналишлар ҳусусида атрафчи тушунтиришлар берилди.

Хусусан, Фармон доирасида адлия органларига «бир дарча» марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий кўмак қўрсатиш вазифалари юклатилган, қолаверса, ушбу йўналишда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тегишли тақлифлар киритиш муҳим йўналиш этиб белгилангани қайд этилди.

Тадбирда шунингдек, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органларининг роли ва аҳамиятини ошириш борасида қилиниши лозим бўлган вазифалар тўғрисида ҳам сўз юритилди.

Фармоннинг энг муҳим жиҳатлари сифатида жорий йил 1 июлидан бошлаб молия ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар ўтказиш мuddати 10 календарь кундан ошмаслиги, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликлари фаолияти бўйича барча текширувлар режали асосда тўрт йилда бир мартадан кўп бўлмаган, бошқа ҳўжалик субъектларини текшириш уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган ва фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарори билан амалга оширилиши қатъий белгилла қўйилгани қайд этилди. Фармон билан тасдиқланган Дастур доирасида назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунчиликни таъминлашда республика миқёсидаги манфаатдор идоралар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги янги тахрирдаги Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашувларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир якунида иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланли, уларнинг тақлифлари асосида кел

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айтиб ўтиш жоизки, бундан ташқари, маҳаллаларда 4800 дан ортиқ тадбиркорлик ва оилавий бизнес субъектларини ташкил этишга, 17890 нафар кишининг ишга жойлаштиришга, шунингдек, маҳаллаларда 101 нафар ёлғиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кексаларнинг уй-жойлари таъмирланишига кўмаклашилган. Нурунийларимиз иштирокида «Кексаси бор хонадон — файзли хонадон» ва «Кексалар дуосини олайлик» мавзуларида тадбирлар тез-тез ўтказилиб келинмоқда. «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида 2 минг нафардан ортиқ уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, кекса ёлғиз ва ногиронлар учун Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент, Қўқон каби шаҳарларга саёхатлар ташкил этилди.

Айни пайтда шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» фондининг шаҳар бўлими томонидан туман ҳокимликлари ва Фондининг туман бўлиналари билан биргаликда маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган кенг қамровли вазифалар ижросини самарали таъминлашга услубий-амалий кўмаклашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 12 та фуқаролар йиғинлари замонавий компьютер жамланмалари, 35 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди, 25 та фуқаролар йиғинининг биноси жорий, 5 таси капитал таъмирланди.

Қўриқ-танловнинг қўлами, аҳамияти йилдан йилга ошиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлим бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Аҳрор Фуломов. — Бундан ташқари туман босқичида шахримиз бўйича 475 та фуқаролар йиғинлари фаол қатнашганидан ҳам билса бўлади. Қўйи босқичларда фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, хусусан, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида эришилган ютуқ ва натижалар қўнилик, ошқоралик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида баҳоланди.

Маҳалланинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги нуфузи тобора ортиб бормоқда, — дейди Мирзо Улугбек тумани «Олтинтепа-10» маҳалласи фуқароси Аббос Ҳасанбоев. — Маҳал-



ламизда ёшларни баркамол этиб вояга етказиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ушбу жараёнларда жамоатчилик комиссияларнинг ролини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Маҳалланинг ноёб бошқарув тизими сифатидаги ўрни ва ислохотлар жараёнидаги иштироки йилдан йилга салмоқли бўлиб бормоқда, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги Хувайдо ма-



авайлаш, тўй-маъракаларни ихчам ва тартибли ўтказиш, кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш каби йўналишларга эътибор қаратилди. Иккинчи шартда иштирокчиларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятига оид билимлари, улар фаолиятида учраётган турли масалалар-



Ошқоралик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида ўтказилган қўриқ-танловда биринчи ўринга Яшнобод туманидаги «Беҳизор» маҳалласи муносиб деб топилди ва танловнинг Республика босқичида иштирок этиш йўлнамасини қўлга киритди. Иккинчи ўрин Юнусобод туманидаги Фирдавсий маҳалласига ва учинчи ўрин Чилонзор туманидаги «Беҳжўрғон» маҳалласига насиб этди.

— Бу танлов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги қўллаб-қувватлаш йўналишларининг ўзига хос кўриги бўлди, — дейди танлов болиби Яшнобод тумани «Беҳизор» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Убайдулла Миновархўжаев. — Айниқса, маҳалла фаолларининг ўз вазифалари бўйича салоҳиятларининг янада ошганини яққол кўрдик. Бунда шубҳасиз, тизимга қаратилган эътибор, шу билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш ўқув курсларининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўқув курсларида олинган назарий ва амалий билимларимиз танловларда ҳам, иш фаолиятимизда ҳам айна муд-дао бўлмоқда.

Ҳалилар диплом ва «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, бир қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди, муносиб рағбатлантирилди. Тадбир давомида танқили санъаткорларнинг чиқишлари танловга байрамона шухуқ бағишланди.

Шоира МУХАМЕДОВА,
Зиёда РАСУЛОВА

СУРАТЛАРДА: «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг шаҳар босқичидан лавҳалар.

Ислом Исмоилов олган суратлар

ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

ҳалласи фаоли Махбуба Раҳматуллаева. — Айниқса, оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, жамиятда тинчлик-тотувликни таъминлашда бунга яққол қўриш мумкин.

Бевосита танлов тафсилотларига тўхталадиган бўлсак, иштирокчилар 2 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Дастлаб замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда намоиш этилган, уларнинг ҳудудда амалга оширилган эзгу ишлари, бу борада қўлга киритган ютуқлари ва намунали иш тажрибалари ҳақамлар хайъати томонидан чқур таҳлил қилинди.

Хусусан, жойларда маънавий муҳитни қарор топтириш, маърифий ишларни ташкил этиш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, миллий қадриятларни асраб-

нинг ечимини топиш юзасидан малакаси, дунёқараши синовдан ўтказилди.

— Маҳалла — бу ҳалқимиз, миллимиз нафақат қўқам ва чиройли, шу билан бирга айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қўт-баракат ҳукмрон бўлган маскан, — дейди Миробод туманидаги «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Мадина Абдуллаева. — Танловда иштирок этганимизнинг ўзи биз учун катта шараф. Маҳалла раиси Бахтиёр Бойсариев ва бошқа фаолларимиз билан ўз билимларимизни яна бир бор синовдан ўтказдик десам янглишмаган бўлам. Танлов шартлари орқали биз билмаганларимизни ўргандик, билганларимизни ҳамкасбларимиз билан ўртоқлашдик.

Фарзандини оқ юзиб, оқ тараб вояга етказиш
халқимизнинг эзгу фазилатларидан. Истиқлол йилларида
бу тамойил давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ёз — 2015

БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Бу борада миллий қонунчилик яратилган ва изчил тақомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани белгиланган. Мамлакатимизда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунидан назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётага тўла татбиқ этилаётган.

Ёшларнинг таълим-тарбия олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши билан боғлиқ масалалар ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни бу борада муҳим аҳамият касб этаяпти. Мазкур қонун вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасаларнинг масъулиятини янада оширди.

Вояга етмаганларнинг тунги вақтда ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсининг кузатиш-сиз интернет-кафедраларда, кўнгил очиб ёки дам олиш жойларида бўлишига йўл қўймаслиқда оид меъёрий қонунчиликда белгилангани болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни миллий қадриятлар ва аъёналарга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ички ишлар идоралари ва маҳаллалар ўртасида изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бoш бошқармаси бўлим бошлиғи Исмоилдин Холиқов. — 3,7 мингдан зиёд милиция таянч пункти ҳузурида ташкил этилган спорт майдончалари, факультатив тўғараклар, кичик бизнес шохобчалари бунда муҳим омили бўлаётган. Болалар иш-

тирокида турли профилактик тадбирлар мунтазам олиб бoриладигани, назоратсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаб, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилаётгани экани белгиланган бермоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили ёз фаслида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турмуш вояга етмаганлар учун тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилаётгани уларнинг тарбиясини тўғри йўлга солишда муҳим аҳамият касб этаяпти.

Бундай оромгоҳларни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этиш кўзда тутилган, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши масъул ходими Абдураҳим Абдуғаниев. — Оромгоҳларда ҳар бир кунни мазмунли ва мароқли ўтказиш бўйича дастурлар ишлаб чиқилган. Болаларни соғломлаштириш дастури орқали улар тиббий қўриқдан ўтказилиб, саломатлигини тиклаши, спорт билан шўғулланиши учун зарур шарт-шароит яратилган.

Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманидаги Амир Темур номидаги оромгоҳда 150 нафардан зиёд ўғил-қиз ёзи кўнгилли ўтказмоқда. Иштирокчилар учун ташкил этилаётган маънавий-маърифий кечалар, танқили санъаткорлар, спортчилар, мураббийлар, психологлар билан учрашувлар болалар дунёқара-шининг бойишига хизмат қилмоқда. Чунки ҳаётда ўз меҳнати билан элда обрў топган инсонларни ақидан билиш ҳар бир бола қалбига уларга ўқшаган интилишни пайдо қилади.

Мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республи-каси, Тошкент шаҳрида ташкил этилаётган бундай оромгоҳлар фаолияти август ойининг охирига қадар давом этади.

(ЎЗА)

САНЪАТ, НАФОСАТ ВА ЭЗГУЛИК АНЖУМАНИ

Самарқанд шаҳрида
«Шарқ тароналари»
X Халқаро мусиқа
фестивалига қизин
ҳозирлик қўрилмақда.
Жорий йил ушбу нуфузли
халқаро маданий
тадбирда дунёнинг
олтмишдан ортиқ

мамлакат вакиллари иштирок этиши кутилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган мазкур халқаро тадбир миллий мусиқа маданиятимиз, шунингдек, дунё халқларининг миллий мусиқа ва қўшиқчилик аъёналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, тили, маданияти, урф-одатлари турлича миллат ва элатларни санъат воситасида бирлаштиришга хизмат қилмоқда.

ЎЗА мухбирлари аввалги фестивалларда совриндор бўлган санъаткорлар билан интернет орқали боғланиб, уларнинг «Шарқ тароналари» ҳақидаги фикрларини ёзиб олди.

Янада МАСАКИ, «Чичушоа» гуруҳи аъзоси, «Шарқ тароналари» IX Халқаро мусиқа фестивали совриндори (Япония):

— «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалида дунёнинг турли қитъаларидан санъаткорлар, меҳмонлар иштирок этади, тажриба алмашади ва дўстлашади. 2013 йилда мазкур мусиқа анжуманида танишган ҳамкасбларим билан ҳалиям гаплашиб, ёзишиб тураман.

Гуруҳимиз билан шаҳуҳачи номли қадимий япон созини чаламиз. Бамбукдан ясалган мазкур мусиқа асбобининг ўзига хос майин оҳанги инсонга хотиржамлик бағишлайди. «Шарқ тароналари» туфайли у дунё мусиқа ихлосмандлари эътиборига тушди. Бу ҳозир кам фойдаланилаётган шаҳуҳачини асраб қолтишда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Фестивалда иштирокчилар учун барча шароит яратилди. Бунинг самарасида ўз иқтидоримизни тўла намоиш этиб, совриндор бўлдик. Ўша ҳаёгонли дақиқалар хануз ёдимизда.

«Шарқ тароналари» ҳаётимиздаги энг ёрқин лаҳзаларни тақдим этган. Мазкур тадбир баҳонасида Ўзбекистонда қарийб бир ҳафта давомида меҳмон бўлди. Халқингизнинг миллий аъёналари, бетакор маданияти ва урф-одатлари билан танишиб, жуда завқландик. Буюк Ипак йўлида жойлашган, Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи бетакор Самарқандни зиёрат қилиб, олам-олам таассурот олдик. Ўзбек халқи бой тарихининг амалдаги ифодаси — қадимий меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларни, хусусан, Бибиҳоним масжиди, Регистон, Шохи Зинда, мажмуаларини, Амир Темур мақбараси ва Улугбек расадхонасини томоша қилиб, ҳайратга тушдик.

Айни чоғда бу шаҳар замонавий қиёфаси билан ҳам эътиборимизни тортиди. Кенг ва озода кўчалар, мухташам бинолар, серфайз сайлгоҳлар, тўқин бозорлар кишининг баҳри дилини очди. Бир сўз билан айтганда, Самарқандда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ишлар бизни лол қолдирди. Бежиз Япониядаги сайёҳлик фирмалари бу ерга кўп саёхат уюштирмас экан. Мактабда ўқиганларимизни ўз кўзимиз билан кўриш имконига эга бўлганимиз биз учун катта бахт ва шарафдир. Мамлакатингизга яна ташриф буюришни жуда истаймиз.

Килема РАНДРИАНАНТОАНДРО, «Такидеда» гуруҳи ижрочиси, «Шарқ тароналари» VIII Халқаро мусиқа фестивали совриндори (Мадагаскар):

— Дунёга довруғи кетган маданий тадбир — «Шарқ тароналари» дўстлик ва тинчлик қўприғидир. Ушбу фестивалда бир неча марта иштирок этганман. 2011 йили гуруҳимиз учинчи ўринни олишга муваффақ бўлган эди. «Шарқ тароналари»нинг асосий ғояси инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва аъёналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Фестиваль иштирокчилари сонининг йил сайин кўпаяётгани дунёда унинг нуфузи ошиб бораётганидан далolatдир.

Ҳар гал Самарқандга борганимда бетакор тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб, руҳим янада кўтарилди. Ер юзининг сайқали бўлиш мазкур шаҳардаги янги-лаишлар бунёдкор халқингизнинг юксак салоҳияти, тафаккури, истеъдод ва маҳоратининг яна бир намоёнидир. Самарқанддек афсонавий шаҳарда ўз халқининг миллий наволарини ижро этиш ҳар қандай санъаткорда фахру ифтихор ҳиссини уйғотади.

Жаҳон мусиқа санъати ва турфа халқлар маданиятини намоён этишда кенг имконият яратётгани учун Ўзбекистон раҳбариятидан гоъят миннатдоримиз. Бундай хайрли ишлар мамлакатингизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътибори ва нуфузи янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Мустақиллик айёми билан мувораққод этамиз. Мамлакатингизга юксак тараққиёт, халқингизга фаровонлик тилаймиз. Бахт, тинчлик ва осойишталик доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА ДУНЁ ҲАВАС ҚИЛМОҚДА

(Давоми. Боши
1-бетда)

Элликдан ортиқ давлатдан уч юз ўттиз иштирокчи талаба иштирок этган олимпиадада камдан-кам учрайдиган воқеа рўй берди: жаҳоннинг нуфузли университетларидан тақлиф этилган танлов ҳамда хайъатига хали йиғирма ёшга ҳам тўлмаган ўзбек фарзанди математика фанининг асосчилари асли кимлар эканини яна бир бор эслатиб қўйди.

Ҳар кунги натижаларни таҳлил қилиб бордик, — дейди ЎЗА мухбирига Ўзбекистон Миллий университети жамоаси сардори, университетнинг математик анализи кафедраси ассистенти Карим Раҳимов. — Босқичма-босқич йўл қўяётган хатоларни бошқа такрорламасликка, бор салоҳиятимиздан тўғри фойдаланишга ҳаракат қилдик. Ҳаммаси кўнгилдагидек кетаётганди. Аммо Ҳакимбойнинг комбинаторикага оид масаласига ҳақамлар томонидан нол балл қўйилгани бизни ажаблантирди. Ҳакимбойдан бунинг сабабини сўрасам, барчасини тўғри ечганман, дейди. Қўзларидан унинг ўзига бўлган ишончи акс этиб турарди. Сўнг апелляцияга бердик. Оқибатда масала тўғри ечилини, ечимга шу вақтга қадар фанда қўлланилмаган янги усулда ёндашилгани исботланди.

Шундай қилиб олимпиадада Ҳакимбой Ёгамбердиев олтин, Беҳзод Қурбонбоев кумуш медални қўлга киритиб, дунё ахлига ўзбек ёшларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир бор исботлади.

— Бугунги тараққиётга пойдевор бўлаётган математика, информатика, астрономия каби соҳалар бешигини тебратган Мухаммад Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фароний, Мирзо Улугбек сингари улуг аждодларимизнинг эзгу интилишларини давом эттиришдек бахтга мустақиллик туфайли эришдик, — дейди Х.Ёгамбердиев. — «Тарихий буюк мамлакатнинг келажиги ҳам буюқдир», деган фикр қалбларимизда акс-садо бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг ёш авлод қамолотига қаратаётган юксак эътибори, университети-мизда таълим олиш учун яратилган қўлай шароит ва имко-

ниятлар илм-фанга меҳримизни тобламоқда, жаҳонда мамлакатимизнинг шон-шарафини мустаҳкам ҳимоя қилишимизга туртки бўлмоқда.

Дарҳақиқат, Ҳакимбой каби минглаб ёшларимиз халқаро фан олимпиадалари, қўриқ-танловлар, мусобақа ва фестивалларда ўзларининг ноёб истеъдоди ва салоҳиятини тўла намоён этиб, юксак марраларга эришаётганининг асосий омилли уларга берилган юксак эътибор ва яратилаётган қўлай шароитлардир.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳам мустақиллик йилларида тўдан янгиланди. Ўқув корпуслари, спорт иншоотлари, талабалар турар жойлари ва бошқа зарур бинолар қурилиб, жаҳон стандартларига мос жиҳозланди. Замонавий мультимедия ва компьютер воситалари билан таъминланган кенг, шинам аудиторлар, лингалар ва лаборатория хоналари, уч миллиондан ортиқ китоб фондига эга замонавий ахборот-ресурс маркази, спорт ва бошқа иншоотлар ёшларнинг етук мутахассислар бўлиб ўлғайиши, илм-фанда юксак марраларни забт этишида муҳим омили бўлмоқда.

Университетнинг механика-математика факультети профессор-ўқитувчилари талабалари қўлга киритаётган ютуқлар янада салмоқли. Илмий салоҳият нуктаи назаридан нафақат университет, балки бутун мамлакатимиз олий таълим муассасалари орасида юқори ўринларда турувчи ушбу факультетда 12 илмий мавзу бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Уларга 60 дан ортиқ талаба жалб этилгани ўқув даргоҳида назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланганидан далolatдир.

Факультетимизда ўн та кафедра ва бешта ахборот-ресурс маркази самарали фаолият юритмоқда, — дейди факультет декани Давлатбой Жумабоев. — Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, алгебра ва функционал анализ, математик анализ, геометрия, дифференциал тенглалар ва математик физика, назарий ва амалий механика, ахборот ҳавфсизлиги, информатика ва таъбиқий дастур-

лаш, ҳисоблаш технологиялари ва ахборот тизимлари, дастурлаш ва тармоқ технологиялари кафедраларида 125 дан ортиқ профессор-ўқитувчи, жумладан, тўрт академик, 32 фан доктори ва профессор, 50 дан ортиқ фан номзоди фаолият кўрсатмоқда.

Университетнинг механика-математика факультети тадқиқотчилари томонидан «Атеросклерознинг оғирлик даражасини тахминлаш усули», «Сўт беги комплекс ультратовуш текширувларининг ташкил этилишини тақомиллаштириш учун дастур», «Турли аломатли синф объектиларининг турғунлигини ҳисобловчи дастурий мажмуа», «Грунт-ли тўғонларда нотўғун филтрацияни ҳисоблаш дастури» ва бошқа ўнлаб лойиҳалар бўйича патент гувоҳномалари олинган. Беш нафар талаба Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига сазовор бўлган.

Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига Мухаммад Хоразмийнинг ўнлаб санок система-сини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб жорий этгани умуминсоний тараққиёт ривож учун катта аҳамиятга эга бўлганини таъкидлайди: «Бугунги кунда одам-зоднинг илм-фан ва замонавий технологиялар борасида эришаётган улкан ютуқларини кўз олдимизга келтирар эканмиз, бе-ихтиёр ана шу буюк бобомиз мисолида бундай юксак марраларга эришишда ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан қалбимиз ифтихорга тўлади».

Оққан дарё оқаверади. Илм-фан, интеллектуал салоҳият тараққиёт мезонига айланган бугунги замонада юртимиз тупроғида ўзининг ноёб истеъдоди, улкан салоҳияти билан дунё ахлида ҳавас уйғотаётган, жаҳон илм-фани, ишлаб чиқариш, маданият, санъат ва спорт оламида дадил кириб бораётган, ўз ўрни, мустақил фикри, ўз овозига эга баркамол авлод қамолга етмоқда. Бунга Ҳакимбой Ёгамбердиев ва Беҳзод Қурбонбоевнинг 22-Халқаро олимпиададаги муваффақиятлари ёрқин ми-солдир.

Дилшод КАРИМОВ

Еттинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

Тошкент метрополитенида нечта метро бекати мавжуд?

Спорт янгиликлари

СПОРТСЕВАРЛАР САФИ
КЕНГАЙМОҚДА

Ватанимиз тараққиётининг ҳар бир доғони ёшларимиз ҳаёти, уларнинг интилишлари, турли соҳаларда қўлга қўйиладиган улкан ютуқлари билан ҳамбарчас боғлиқ.

Истиклолнинг дастлабки кунларидаёқ «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»-ги қонун қабул қилинди. «Таълим тўғрисида»-ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг навқирон авлодга замонавий таълим-тарбия бериш, иқтидорини юзага чиқариш, уларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда ўрни бекиёс. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарори бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтирди.

Ўғил-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларидан иборат уч босқичли спорт ўйинлари жорий қилинган ёшларимизнинг соғлом бўлиб ўлғайиши баробарида уларнинг истеъдод ва маҳоратини намойиш этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказиладиган спорт мусобақалари ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланиши учун кенг имконият яратмоқда.

Спорт ёшларнинг иродали, қатъиятли бўлиб ўлғайишига хизмат қилади, дейди «Камолот» ЕИХ марказий кенгашининг спорт лойиҳалари бўлими мудири Умид Ражабов. — Мусобақаларни ташкил этишдан мақсад корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасаларидаги ёшлар ўртасида спортни изчил ривожлантириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

Ёшларнинг интеллектуал ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус таълим муассасаларида «Камолот» шахмат тахтаси» республика турнири мунтазам ўтказилмоқда. Шахматга ёшларнинг қизиқиши йилдан йилга ортиб бораётганини маъруз турнирда иштирок этаётган йигит-қизлар сафи кенгайиб бораётганида ҳам қўриш мумкин. 2013 йилда 245 минг, 2014 йилда 300 минг ёшлар мусобақанинг турли

босқичларида ўз маҳоратини намойиш этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 438 мингдан ошди.

Қизлар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида ўтказиладиган стол теннис бўйича «Камолот» маликаси» спорт мусобақаси ҳам ёшларнинг сеvimли тадбирларидан бирига айланди. Жорий йилнинг март ойида ушбу мусобақа уч босқичда ўтказилди. Унда барча умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тахсил олаётган 43 минг қиз иштирок этди.

Футбол бўйича аънавий «Камолот» кубоги» республика турнирининг жорий йилги олий таълим муассасалари талабалари ўртасидаги баҳслари юқори савияда ташкил этилди. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўртасидаги туман (шаҳар) ва вилоят босқичларида жами 23 мингдан ортиқ ўқувчи ўзаро куч синашди.

«Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» акцияси доирасида мураббийлар томонидан олиб бориладиган тарғибот тадбирлари ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, ОИВ/ОИТС касаллиги, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, тамаки чекиш каби инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи иллатларнинг олдини олишга қаратилгандир. Шу кунларда ёшга оромгоҳларда турли спорт-соғломлаштириш мусобақалари уюштирилиб, ноҳус иллатларнинг инсон саломатлигига салбий таъсири акс этган саҳна кўринишлари намойиш этилаётгани ҳам ўз самараларини бермоқда.

Спорт инсонни соғлом ва бақувват қилиш билан бирга, унда мақсад сари интилиш, мустахкам ирода, қатъият, ишонч ва дадиллик каби хислатларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ота-оналар фарзандларининг спорт билан шугулланиши учун имконият яратиш берилгани, орадан кўп ўтмай уларнинг ўқишида, юриши-туришида, дунёқарашида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланганини мамнуният билан қайд этишди. Бу спортнинг ўғил-қизлар тарбиясида нақадар муҳим ўрин тутганидан далолатдир.

Нурилол НАСРИЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиклол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хибонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўрғига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга ояётган ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг қўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртини ўрганишдан бошланишини инobatга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» —

«Вечерний Ташкент» газеталари тахририяти «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб голиб саналади.

Ҳар ўн та саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган голиб аниқланади.

Голибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ голиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари тахририятига ёки gazeta-vto@mail.uz, info@tashkent.uz электрон манзиллари-га йўлланиси лозим.

Мурожаат учун телефонлар:
233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

Чилонзор туманидаги 90-умумтаълим мактабида «Соғлом ёшлар — миллат таянчи» шиори остида спортнинг урбания тури бўйича «Камолот» кубоги» ўтказилди.

МИЛЛАТИМИЗ ТАЯНЧИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, спорт билан доимий шугулланишлари кўмаклашиш, турли хилдаги салбий иллатлардан асраш мақсадида ташкил этилди.

Турнирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвдиннов ва бошқалар бугунги кунда ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, ёш авлоднинг маънан етук, жисмонан соғлом бўлиб воғта этишлари учун мамлакатимизда болалар спортни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани, юртимиз ва халқаро миқёсда ўтказиладиган мусобақаларда спортчиларимиз голибликни қўлга киритишгаётганини таъкидлаб ўтишди.

Мусобақада 15 нафар иштирокчи яқна ва жуфтлик тарзида Низомга асосан ўзида оғир кўринишларни мужассам этган кўргазмалар чиқишлари намойиш этишди. Иккинчи босқичда 10 нафар иштирокчи турникка тортилиш ва бошқа йўналишларда яқна тартибда куч синашди. Иштирокчилар маҳорати туман Маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда Болалар спортни ривожлантириш жамғармасининг вакиллари, 43-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийлари томонидан кузатиб борилди.

Мусобақа якунларига кўра биринчи ўрин В.Шермухаммедовга насиб этди. 2-ўринни И.Хайитматов, 3-ўринни Р.Давидовлар эгаллашди. Голиб ва фаол иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан дипломлар топширилди.

Дилафруз ИСОКОВА

СОСЛАН ТИГИЕВ
ЯНА ШОҲСУПАДА

Эркин кураш бўйича кўплаб халқаро мусобақалар голиби, икки карра Олимпиада совриндори, тажрибали спортчимиз Сослан Тигиев яна катта спортга қайтиб, зафарли одимларини бошлади.

У дунёнинг бир қатор мамлакатларидан ташириб буюрган маҳоратли полвонлар иштирокида ўтказилган Арманистондаги хотира турнирида шохсу-пага кўтарилди.

Хамюртимиз финалгача бўлган йўлда номдор рақиблари устидан ишончли ғалабаларга эришиб, олтин медаль учун кечган курашда эронлик Али Ризо Каримидан кичик фарқ билан мағлубиятга учради. Ярим финал бос-

қичида қолиб кетган мезбон спортчи Муса Муртазалыев ва россиялик Владислав Валиев якунда шохсупанинг қолган поғоналаридан жой олишди. Сослан Тигиев ушбу натижа-си орқали келгусида олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионати ва бошқа йирик мусобақаларда ҳам қатнашиб, совринли ўринлардан жой олишга муносиб эканлигини кўрсатди.

Ботир ХҲЖАЕВ

Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 17 август кuni Италияга йўл олишади.

ИТАЛИЯГА
БОРИШАДИ

Гап шундаки, август ойининг иккинчи ўн кунлиги ҳамда сўнги ўн кунлигида Италияда байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Умид қиламизки, байдарка ва каноэчиларимиз совринли ўринларни эгаллаб Тошкентга ёруғ юз билан қайтишади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

20 ЙИЛЛИК ВАҚТ
БИЛАН СИНАЛГАН
ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

«Respublika mulk markazi» АЖ хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидagi улушлари, автомобилотранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчма мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги давлат ва нодавлат мол-мулкларнинг оммавий савдоларида иштирок этишга тақлиф этади.

Телефон: (0 371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz

«Respublika mulk markazi» АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Савдога «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази»нинг 04.08.2015 йилдаги 28-05-244/11-сонли буюртма хатига асосан, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ўзбекистон шохқўчаси, 15-уй манзилида сақланаятган қуйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда:

1. «Нексия Донс» русумли, давлат рақами 01/356NDA бўлган, 2003 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 852 000 сўм.

2. «Нексия Сонс» русумли, давлат рақами 01/357NDA бўлган, 2004 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 154 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 26 август кuni соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2015 йил 24 август кuni соат 18:00.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатал пули тулганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нуҳсаси, вакиллар учун ишонч-нома тақдим этилади.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «RMM» АЖнинг АИТВ-Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МҲО: 01036, ИҲН: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-ўй. Тел: 228-79-52. Ғувоҳнома №001580.

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ
ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчма мулк кадастри давлат корхонаси, шунингдек, унинг қуйи тизимидаги ҳодимларининг давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида, улар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора қўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21
Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти.

Тошкент Транспорт касб-ҳунар коллежи ўз ошхонасини 2015-2016 ўқув йилига ижарага бериш учун танлов эълон қилади. Аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Д20-35а-уй.

Мурожаат учун телефонлар: 216-21-74, 216-38-54

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Тарғибот ва ҳуқуқий маърифат бўлими катта маслаҳатчиси Севара Зокировага падари бузруквори
Мурод МАДУМАРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кuni соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзили: Матбуотчиси: Матбуотчиси: кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

«101»

ЁНҒИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

Ҳадемай куз мавсуми ҳам бошланади. Ушбу мавсум кўплаб инсонлар учун дам олиш, саёҳатга чиқиш, даволаниш мавсуми бўлса ёнғин хавфсизлиги ҳодимлари учун энг оғир дам, десак адашмаймиз.

Ташланган ахлатлар, очик майдондаги қуруқ ўтлар туфайли ёнғинлар сони тобора ортиб бормоқда. Вақтида ўриб ташланмаган қуруқ ўтлар катта ёнғинлар сабабчиси бўлиб, бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланмоқда. Аини кунларда Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманига қарашли катта очик майдонларда, йўл четларида қолиб

кетган қуриган ўтлар туфайли ёнғин содир бўлмоқда. Таҳлиллар шунини кўрсатиб турибдики, ёнғин ўз-ўзидан ҳеч қачон чиқмайди. Унга арзиммаган бир туртки керак, қуёш нурлари остида ётган ахлат ва ўтлар учун биргина чўғнинг ўзи кифоядир. Ўтиб кетаётган йўловчи тутаб турган сигарета қолдиргани ташлаб ўзи билмаган ҳолда ёнғин сабабчиси-

га айланади. Назоратсиз қолган болажонлар эса чиқинди-ахлатларни ва очик майдондаги қуруқ ўтларни ёқишга қизиқади. Эҳтиётсизлик ва бепарволикдан келиб чиққан ёнғинлар катта талафотларга ва кўплаб ҳолларда инсон ҳаёти учун фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳар бир инсон тушуна билиши лозим.

Ёнғин қимчилиги учун жойларда тозалаш ишларига эътибор қаратишни қўлайтириш лозим. Кўчаларда йиғилиб қолган қуруқ ўтлар, маиший чиқиндилар ва шох-шабаларни ўз вақтида олиб ташлаш, болаларга эҳтиёткорлиқни ўргатиш ва ўчмаган сигарета қолдиргани ҳар ерга, айниқса тез алағча олувчи нарсалар бор жойга ташлашмаслик даркор. Шундагина биз осийишталигимизга раҳна солувчи хавфни қамайтиришга эришамиз.

Ж.САТТОВРОВ,

Тошкент шаҳар ЁХБ 12-ХҲО 1-ХҲХ алоҳида пост инспектори

Тошкент Оқшоми

Манзили: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзили:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Хажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6541 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.10